

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd.03/30.11.2021.Ped.05.07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТУЛЛАЕВА ГУЛНОЗАХОН МАВЛАНЖАНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ФАОЛИЯТГА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 37.013:130.2(575.1)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рахматуллаева Гулнозахон Мавланжановна**

Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик  
муносабатни ривожлантириш технологияси ..... 3

**Рахматуллаева Гулнозахон Мавланджановна**

Технология развития у будущих преподавателей аксиологического  
отношения к духовно-воспитательной деятельности ..... 25

**Rakhmatullaeva Gulnozaxon Mavlanjanovna**

Development of technology of an axiological approach to spiritual and educational  
activities among future teachers' ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd.03/30.11.2021.Ped.05.07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТУЛЛАЕВА ГУЛНОЗАХОН МАВЛАНЖАНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ФАОЛИЯТГА АКЦИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2428 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Артикова Мухайёхон Ботиралиевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Қуронов Муҳаммаджон**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ўринова Нилуфар Муҳаммадовна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.11.2021.Ped.05.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "03" 12 кунли соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (209 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz))

Диссертация автореферати 2022 йил "22" 11 кунли тарқатилди.  
(2022 йил "23" 11 даги 5 -рақамли реестр баённомаси).



**Б.Ш.Шермухаммадов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**У.Қ.Мақсудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Б.С.Сиддиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, п.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар маънавий тараққиёт йўлида эришган энг муҳим ютуқлари қаторида ўз маданий меросини, маънавий ва ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда, жумладан олий таълим тизимида ҳам. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларда “...миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш, келгуси педагогик фаолиятига аксиологик муносабатларни таркиб топтириш, натижада демократик жамиятда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг бирламчи воситаси сифатида қаралишга эришилади. Ҳозирги кунда таълим мазмунини мазкур муносабатларга асосланиб шакллантириш тенденцияси кузатилмоқда”<sup>1</sup>.

Дунёда бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ижтимоийлашувни таъминлаш, қадриятлар тизимини шакллантиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, педагогика фанининг энг самарали усуллари интерпретациясидан кенг фойдаланиш, касбий компетентликнинг аксиологик компонент классификацияси ва хусусиятларига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқот натижалари таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифат кўрсаткичларини белгилашда бўлажак ўқитувчиларда аксиологик муносабатни қарор топганлик даражасини аниқлаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотлар таълимни инсонпарварлаштириш, бўлажак педагогларда аксиологик муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик ёндашувлардан фойдаланиш имкониятларини оширди. Шу билан бирга, миллий педагогика фани олдида олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу борада олий таълим муассасалари талабаларида касбий қадриятлар тизими, фаолият мотивлари асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг аксиологик мезон ва кўрсаткичларни аниқлаштириш, қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси ва механизмларини такомиллаштириш, креатив таълим технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий

---

<sup>1</sup> UNESCO: Global Education Monitoring Report 2020. Inclusion and education: All means all. Summary // United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO), 2020. – P. 9.

тарбиялашда халқнинг маданий-тарихий анъаналари, урф-одат ҳамда умумбашарий кадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва усулларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, комил шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устувор вазифаларига айланди. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди. Бежиз, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш”<sup>3</sup> кабилар устувор йўналиш сифатида белгилаб ўтилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон, 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4436-сон, 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 736-сон, 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1059-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда талаба-

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. 14-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

ёшларни маънавий-маърифий ривожланишига доир илмий-тадқиқот ишлари фалсафий, психологик-педагогик ва методик йўналишларда амалга оширилмоқда. Маънавий-маърифий фаолиятнинг фалсафий-методологик, педагогик-психологик ҳамда ижтимоий жиҳатлари А.А.Рахимов, Я.А.Нурумбекова, З.Э.Азимова, Г.И.Махмутова, О.Р.Жамолитдинова, З.Қ.Исмоилова, В.М.Каримова, Ш.Қ.Марданов, У.И.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Ш.Ш.Олимов, Н.Ортиқов, Н.М.Очилова, Б.Х.Раҳимов, Д.Рўзиева, З.Т.Салиева, Ж.С.Тошматова, Ж.Туленов, Ш.С.Шарипов, Ш.С.Шодмонова, Т.А.Эгамбердиева, Н.М.Эгамбердиева, Э.Юсупов, Қ.Назаров сингари сингари олимларнинг илмий ишларида чуқур таҳлил этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Д.А.Белухин, Р.К.Бикмухаметов, Н.М.Борытко, И.В.Гармаза, А.В.Глумной, Б.С.Гершунский, Г.А.Мелекесов, О.В.Трескина, Ю.А.Райсвих, Е.В.Цыганова, И.А.Черкашинлар илмий асарларида аксиологик муносабатларга доир қарашлар ўз ифодасини топган.

Хориж олимлардан А.Тойнби, L.Matyew, M.Gareth, A.W.Chickering, J.C.Dalton, L.Stamm, H.Chang, D.Boyd, B.W.Speck, Sh.L.Hoppe, D.Michae, M.D.Waggoner, J.L.Subbiondo, A.W.Astin, H.S.Astin, J.A.Lindholm, E.Gallagher, E.J.Tisdell, S.Edwards, J.T.Snipes, M.Soliman, F.Di.Virgilio, R.Figuireda, M.Sausa олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятга оид эмпирик тадқиқотлар ўтказганлар.

Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, компонентлари, омиллари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш, жараён модели, технологияси ва дидактик таъминотини ишлаб чиқиш зарурати тадқиқот мавзусини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университети Умумий педагогика кафедрасининг “Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти (2018-2022 йилларга мўлжалланган)” номли асосий илмий-тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, моҳияти ва тамойилларини аниқлаштириш;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмун

ва талаблари, процессуал асосларини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти:** бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмуни, технологиялари ва педагогик шарт-шароитлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот илмий янгилиги:**

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, моҳияти ва тамойиллари ижтимоий-гуманитар фанлар орқали қадриятларни шакллантириш тизими романтик, технологик, ўрнакка асосланган ҳамда қадриятларни ривожланишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёндашувларнинг компаративистик таққослаш асосида ёритиб берилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмун ва талаблари, процессуал асослари ўз-ўзини англаш, умуммаданий, миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш, мулоқотчанлик, ижтимоий, ҳаётий-амалий, ўз устида ишлаш компетенциявий талабларига устуворлик бериш асосида ёритиб берилган;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитлари ўқув-педагогик амалиётни ташкил этишда “маънавий-маърифий фаолият кузатувчиси”, “маънавий-маърифий фаолият бўйича ўқитувчи ассистенти”, “маънавий-маърифий фаолият бўйича амалиётчи-ўқитувчи” концепцияларини имплементация қилиш ҳамда “муаммоли вазият”, “тўлиқ фаолият”, “жамоавий ноутбук методи (Brainwriting)”, “Олти ранг – олти хил фикрлар”, “Валт Дисней (Walt Disney)” ҳамда “лойиха” методларининг адаптив ёндашув ҳамда “маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойихалари” муаллифлик ёндашуви асосида такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг технологияси тузулмавий компонентларни (мазмун ва талаблари, процессуал асослари, методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитлари) моҳияти аксиологик иерархия (билим – қадрият – фаолият

бирлиги) ҳамда рефлексив усулларни идентификациялаш асосида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

маънавий-маърифий фаолиятнинг мазмуни, вазифалари ва олий таълим муассасаларида ташкил этиш тамойиллари аниқланган;

аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг зарурати, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашдаги аҳамияти аниқлаштирилган;

маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг методик-дидактик шарт-шароитларини баҳолашнинг мезонлари аниқланган ва тажриба-синов ишларида қўлланилган;

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш мазмуни, тамойиллари, дидактик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган ҳамда келгусида тадқиқотчилар томонидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлиги билан ҳам ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда ижтимоий-гуманитар фанлар орқали кадриятларни шакллантириш тизими романтик, технологик, ўрнакка асосланган ҳамда кадриятлар ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёндашувларнинг компаративистик таққослаш асосида ёритиб беришга оид маълумотлар ПЗ-201709330223 рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-963/04-сонли маълумотномаси). Натижада маънавий-маърифий фаолият мазмуни, моҳияти ва тамойилларини аниқлаштириш имкони оширилган;

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатларини ривожлантиришда ўз-ўзини англаш, умуммаданий, миллий ва умуминсоний кадриятларга эга бўлиш, мулоқотчанлик, ижтимоий, ҳаётий-

амалий, ўз устида ишлаш компетенциявий талабларига устуворлик бериш асосида ёритиб беришга оид таклифлар КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-963/04-сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмун ва талаблари, процессуал асосларини аниқлаштиришга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш мазмуни ўқув-педагогик амалиётни ташкил этишда “маънавий-маърифий фаолият кузатувчиси”, “маънавий-маърифий фаолият бўйича ўқитувчи ассистенти”, “маънавий-маърифий фаолият бўйича амалиётчи-ўқитувчи” концепцияларини имплементация қилиш, “муаммоли вазият”, “тўлиқ фаолият”, “жамоавий ноутбук методи (Brainwriting)”, “Олти ранг-олти хил фикрлар”, “Валт Дисней (Walt Disney)” ҳамда “лойиха” методларининг адаптив ёндашув ҳамда “маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойихалари” муаллифлик ёндашуви асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-201709330223 рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-963/04-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга тайрлашда аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитларини аниқлаштириш имкони яратилган;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш технологияси тузилмавий компонентлари (мазмун ва талаблари, процессуал асослари, методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитлари) моҳияти аксиологик иерархия (билим-қадрият-фаолият бирлиги) ҳамда рефлексив усулларни идентификациялаш асосида очиб бериши бўйича маълумотлар КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-963/04-сонли маълумотномаси). Натижада маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг технологияларини ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси

бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг асосий матни 152 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг моҳияти, мазмуни ва таркибий тузилиши, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари тадқиқ этилган.

Маънавий-маърифий фаолият Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги глобаллашув даврида дунёдаги мавқеини белгилаб берувчи фаолият ҳисобланади. Дунёдаги кўплаб педагогик, социологик тадқиқотлар инсон маънавияти ва маърифий камол топишида, уларда кадриятларга бўлган муносабатларнинг шаклланишига аввалгига нисбатан кўпроқ эҳтиёж борлигини, бунинг учун таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларда глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида “кадриятларни ҳурмат қилишга мўлжалланган таълим”, “аксиологик муносабатларни ривожлантириш”, “кадриятга асосланган бошқарув” каби тушунчалар педагогик амалиёт ва тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилишининг аҳамияти ортиб бормоқда.

“Маънавият”, “маърифат” ва “фаолият” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Улар биргаликда яхлит бир тушунча “маънавий-маърифий фаолият”ни ташкил қилади. Уч тушунчадан ташкил топган “маънавий-маърифий фаолият”га тадқиқот объекти нуқтаи назаридан муаллифлик таърифини келтириб ўтамиз: **“маънавий-маърифий фаолият** – таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг онг-билимини, маданиятини, ижтимоий сифатларини оширишга қаратилган кенг қамровли, аниқ мақсадга қаратилган жараёндир”.

Тадқиқот жараёнида маънавий-маърифий соҳага оид қонун, меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида маънавий-маърифий фаолиятнинг ҳозирги

даврдаги устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар аниқланди: жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш; оила, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, барча таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш; ғоявий ва ахборот ҳуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ахборот тармоқларидан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш; глобал дунёдаги геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш; терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, ўз шахсий позициясини шакллантириш; эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий кадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқ.

Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг зарурияти ва аҳамияти қуйидагилардан иборат: ҳозирги даврда жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этиб, маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда ва ёшлар ўртасида миллий кадриятларга беписандлик, хурматсизлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда; маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш зарур; аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш лозим; мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш лозим; жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни юксалтириш зурур; узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда бўлажак ўқитувчилардан фаолият стратегик йўналишларини мукамал ўрганган, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларни қўллай олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантиришда асосий тушунчалар қаторига қуйидагилар киради: кадриятлар, аксиология, аксиологик дунёқараш, аксиологик баҳолаш, аксиологик муносабат, педагогик аксиология.

Аксиологик дунёқараш ўз ичига аксиологик ёндашув, аксиологик муносабат, аксиологик баҳолаш кабиларни қамраб олади. Педагогик ҳодисаларга ижтимоий-социологик ёндашилганда воқеа ва жараёнлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, тарихий алоқадорлик, сабаб ва оқибат боғланишининг ифодаси бўлган узлуксизликнинг аҳамияти ортади.

**Аксиологик муносабат** – шахснинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятлиликнинг ўзаро узвийлигини ўзида акс эттирувчи ички позицияси.

Бу эса шахснинг етук инсон сифатида вояга етиши жараёнининг таркибий қисмидир. Шахс вақт ўтиши билан олам, одам, вақт, муҳит, атрофдаги одамлар қадрини англаб боради. Бу шахсда аксиологик муносабатлар ривожланишининг белгиси сифатида намоён бўлади. Мазкур муносабат бир шахсгагина боғлиқ бўлмай, ижтимоий гуруҳ, жамият, миллат ва давлат учун тегишли бўлиши мумкин. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга аксиологик муносабат, уларни қадрига етиш, қадрлаш туйғуси асосидаги хулоса ва ҳукмлар аксиологик баҳода акс этади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабати қуйидаги муаллифлик таърифида ўз аксини топган: *маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабат* бу – турли қадриятларни конструктив таҳлил қила олиш, жамиятда ўз хатти-ҳаракатлари, фаолиятини йўналтириб, тартибга солувчи қадриятлар тизимини ривожлантириш, қадриятларнинг турли-туманлиги ва қадриятлараро низоларни муносиб баҳолаш ва муносабатда бўлишдир. **Бунга:** шахсий қадриятларни ифода этиш ва мазмун-моҳиятини тушунарли тасвирлаб бериш; маънавий-маърифий фаолият жараёнида бошқаларнинг шахсий қадриятларини ҳурмат қилиш ва шулар асосида мулоқот қилиши; қадриятларни бир-бирига солиштириш, уларни тасдиқлаш ёки рад этиш учун сабаблар келтириш; қадриятларга асосланган далиллар асосида қарорлар қабул қилиш киради.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнидан ташқари маънавий-маърифий ишлар талабаларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У талабаларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Таълимдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар талабаларнинг ижтимоий шахс сифатида шаклланишлари учун қатор имкониятлар яратади. Дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда: танловлар, клублар, бадий ҳаваскорлик, учрашувлар, баҳслар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, тренинглардан; ишонтириш, намуна кўрсатиш, ўрганиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, ҳаракатли, тақлидли, ролли ўйинлар каби усуллардан самарали фойдаланиш лозим.

Педагогика олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий фаолият юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда учта вазифани бажаради:

- 1) талабаларнинг шахсий ривожланиши;
- 2) талабаларда ижтимоий-сиёсий фаол фуқаролик позициясининг ривожланиши;
- 3) бўлажак ўқитувчи сифатида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрланиш.

Тадқиқот доирасидаги таҳлиллар олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият мазмуни бир қатор йўналишларда ташкил

этилишини қайд этди (1-расмга қаранг). Мазкур йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида ижтимоий буюртма, талабалар қизиқиши, эҳтиёжи, ички имкониятлар ва тузилма (ОТМда маънавий-маърифий фаолиятнинг тузилмалараро тақсимоти)лардан келиб чиққан ҳолда маънавий-маърифий фаолият амалга оширилади. Кўриниб турибдики, маънавий-маърифий фаолият талабаларнинг маънавий-маърифий маданиятини оширишга, ҳар бир талаба “маънавият”, “маданият” тушунчаларининг туб маъносини англаб олишига, миллий маънавият манбаларидан хабардор бўлиш, бу манбалардан мустақил эркин илм олиш, ўрганиш малакаларига эга бўлиш имкониятларини таъминлайди.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИДА  
МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ  
ФАОЛИЯТ МАЗМУНИ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

мафқуравий (ғоявий-сиёсий) тарбия асосида талабалар ижтимоий фаоллиги ва ўқишга муносабатини кучайтириш

илмий дунёқарашни шакллантириш ва билиш фаоллигини ошириш

ОТМ даги жамоат ташкилотлари (Ёшлар иттифоқи, Касаба уюшма, Хотин-кизлар қўмитаси) билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар

профессор-ўқитувчилар ва отминг ишчи-ходимлари билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ҳамда мафқуравий ишлар

ёшларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш

меҳнатсеварлик ва меҳнат аҳлига муҳаббат тарбияси

соғломлаштириш ва талабалар жисмоний баркамоллиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш

умуминсоний, миллий ахлоқ ва ҳулқ маданиятини тарбиялаш

иқтисодий ва экологик тарбия ҳамда табиатни муҳофаза қилиш

ота-оналар ва маҳалла билан ишлаш

гўзаллик, нафосат ва бадий тарбия

**1-расм. Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият мазмуни йўналишлари.**

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш мазмуни ва технологияси**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантириш мазмуни, босқичлари ва педагогик талаблари, методик ва дидактик шарт-шароитлари ҳамда технологик жиҳатлари ёритилган.

**Маънавий-маърифий фаолиятга тайёргарлик** – давлат ва жамият талабларига мос келувчи маънавий-маърифий соҳага доир билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш асосида юзага келувчи шахс ижтимоий компетентлигининг ўзига хос кўриниши сифатида изоҳланади. Маънавий-маърифий фаолиятга тайёргарлик аниқ мақсадлар ва режалаштирилган муайян босқичларни қамраб олади. Талабаларда маънавий-маърифий фаолиятга тайёргарликнинг шаклланиши дастлаб фаолиятга доир тасаввур,

тушунчаларни таркиб топганлиги билан белгиланса, кейинчалик мутахассисликка оид профессионал билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши, касбий сифатларнинг қарор топиши ҳамда касбий мослашиш даражаси билан изоҳланади.

Бўлғуси ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш босқичлари қуйидагилар: 1) мотивацион (талабаларнинг маънавий-маърифий фаолиятга қизиқиш ва эҳтиёжларини ривожлантириш); 2) когнитив (талабаларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатнинг аналитик, прогностик, технологик малакалар мажмуини таркиб топтириш); 3) фаолиятга доир (талабаларнинг маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатларини ривожлантириш, уларнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаёти учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар тизими ҳамда шахсий ва касбий фаолият доирасини лойиҳалаш).

Бугунги кундаги халқаро тажрибаларда ижтимоий-гуманитар фанлар орқали қадриятларни шакллантиришнинг қуйидаги ёндашувлари ўрганилди ва улар орқали бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш миллий руҳда талқин этилди: 1) қадриятларни шакллантиришнинг романтик ёндашуви; 2) қадриятларни шакллантиришнинг технологик ёндашуви; 3) қадриятлар ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёндашув; 4) қадриятларни шакллантиришнинг ўрнатилган асосланган ёндашуви.

Илғор хорижий тажрибаларда назария ва амалиёт уйғунлиги доимий долзарблигини йўқотмаган мавзу ҳисобланади. Бунда талаба олган назарий билимларини амалиётда ё кўриб келади ёки шу жараёнда иштирок этади, натижада назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланади. Биз бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш босқичларини қуйидагича белгилашни тавсия этган бўлар эдик:

#### 1-жадвал

##### **Талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда амалиётларнинг мазмуни**

<p><b>Маънавий-маърифий фаолият қузатувчиси</b></p>	<p>1-2-курс талабалари умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятни бевосита қузатадилар ва қузатув натижалари профессор-ўқитувчи бошчилигида муҳокама қилинади. Талабаларда бу орқали маънавий-маърифий фаолиятга руҳан тайёрлиги, ўқувчилар билан биргаликда турли маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиши, суҳбатлашиши, мулоқот қилиш кўникмаси, нутқидаги изчилликнинг сақланиши ва таъсирчанлиги ривожланади. Талабалар (уларнинг миқдори 2-3 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқ) синф раҳбарига бириктириб қўйилади ва унинг маънавий-маърифий фаолияти бўйича ёрдамчи сифатида фаолият кўрсатади. Ишни синф раҳбари ҳамда таълим муассасасининг маънавий-маърифий соҳадаги режалари билан танишишдан бошлаб, режадаги барча масалаларни ҳаётга жорий қилишда бевосита иштирок этади, маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш, режалаштириш, шу соҳада ўқувчилар билан ишлашни фаол қузатади.</p>
---	--

<b>Маънавий-маърифий фаолият бўйича ассистент</b>	<p>3-курсда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчисига маънавий-маърифий жараёнини ташкил этишда ассистентлик қиладилар. Мазкур амалиётда талаба маънавий-маърифий фаолиятда мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбари фаолиятга ассистентлик қилади, фаол ўз фикрларини, ғояларини бериши, раҳбарлик остида фаолиятнинг баъзи қисмларини бажариши мумкин бўлади.</p>
<b>Маънавий-маърифий фаолият бўйича амалиётчи-ўқитувчи</b>	<p>Олий таълим профессор-ўқитувчиси раҳбарлигида махсус тайёргарлик кўриб, мустақил маънавий-маърифий фаолият кўрсатади, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этади, тарғибот ишларида иштирок этади. Мазкур амалиётга ҳозирлик кўриш уни ўташга нисбатан мураккаб жараён эканлигини ҳис қилиш жоиз.</p> <p>Тайёргарлик жараёнида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартлари, маънавий-маърифий фаолият режаси билан тўлиқ танишиб чиқиши керак бўлади;</li> <li>– аввалдан амалиёт жойи билан келишган ҳолда талаба томонидан амалиёт даврида режалаштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, лойиҳалар, тарғибот-ташвиқот ишлари мазмуни, шакли, вақти, иштирокчилари ва барча ташкилий масалалари келишилади. Олий таълим муассасаси ўқитувчи эксперти ва мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади.</li> </ul>

Талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда таълим методлари иккита асосий функцияни бажаради: биринчидан таълим мазмунини етказиш воситаси вазифасини бажарса, иккинчи томондан маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда таълим методларининг баъзи элементларини мустақил қўллаш учун тавсиявий функцияга эга. Маънавий-маърифий фаолиятнинг мазмун-моҳияти, унинг тарбиявий аҳамияти самарадорлигида қуйидаги таълим методлари: *“Муаммоли вазият”*, *“Тўлиқ фаолият”*, *“Жамоавий ноутбук методи (Brainwriting)”*, *“Олти ранг-олти хил фикрлар”*, *“Валт Дисней (Walt Disney)”* ҳамда *“Лойиҳа”* самарали натижа берди.

Методларнинг самарадорлиги қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида аниқлаштирилди: маънавий-маърифий фаолият бўйича вазифаларни бажаришда, хулоса ва қарор қабул қилишда ёрдам бериши; маънавий-маърифий фаолият мазмунини англаб етиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, ижодий фикрлаш, назарий билимларни қўллай олиш, моҳиятни тушунишга имкон бериши; маънавий-маърифий фаолиятга доир асосий тушунчалар мазмунини таркиб топтириш, ўрганилган билимларни тўлиқ ўзлаштириш учун йўналтира олиши; ўзлаштирилган билим ва тушунчалар асосида фанлараро алмашилиш, ўрганишнинг ижтимоий шакллари учун педагогик шарт-шароит яратиб бера олиши; маънавий-маърифий фаолият мазмунини изчил ва тизимли равишда эгаллашга, мустақил таълим олишга, ижодий ёндошишга, манбааларда унумли фойдаланишни шакллантира олиши.


Юқоридаги таҳлиллар асосида бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Бўлғуси ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш технологияси.

Мазкур жараёнда ривожлантириш технологияси 4 аспектга ажратиб олинди. Булар: бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмун ва талаблари, процессуал асослари, методик таъминоти ва дидактик шарт-шароитлари. Дастлабки икки аспектлар тадқиқот ишининг 1-бобида атрофлича таҳлил қилиб ўтилган бўлса, 2.2. параграфида методик ва дидактик шарт-шароитлари аспектлари таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқот иши доирасида технологиянинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровномалар мазкур аспектлар мазмуни ҳамда кетма-кетлигига монанд равишда тузилишига эътибор қаратилди.

Тадқиқот иши доирасида “Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш модели” ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш модели.

Мазкур модел бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантиришни мақсад қилади ва у моделнинг “Мазмун” блогига ўз аксини топган. Моделнинг “Методологик блог”ида маънавий-маърифий фаолиятнинг ташкил этишнинг тамойиллари ўз ифодасини топган. Бу блок бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг устувор ва мақсадларни белгилаб берувчи тамойилларини ўзида акс эттиради.

Моделнинг “Мазмун блоги” маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этувчи узвий бирлик “маънавият” ва “маърифат” атамаларининг мазмунини ўз ичига олиб, фаолият нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Айнан шу фаолиятга бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятлилигини ҳис этиши, улар ички позициясининг шаклланганлиги ва ривожланганлигида намоён бўлади. Моделнинг “Мазмун блоги” таркибини олий таълим муассасаларидаги ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши, уларнинг мазмун-моҳияти, маънавий-маърифий фаолиятга мақсадли тайёрлаши, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойиҳаларининг қўлланилиши, амалиётлар, шунингдек олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий фаолиятнинг талаба шахсий ва касбий фаолиятга йўналтирилганлиги ташкил этади.

Моделнинг “Баҳоловчи-нативавий блог”и бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини аниқлаштиришни имконини берувчи компонентларни ўз ичига олади. Мазкур компонентлар талабаларнинг маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг мазмуни ва талаблари, процессуал асоси, методик таъминоти, дидактик шарт-шароитлари шаклида белгиланди.

Моделнинг “Баҳоловчи-нативавий блок”и мезонлар ва даражаларни ўз ичига олади. Тадқиқот давомида маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойиҳалари, уларни амалга ошириш бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ўқув лойиҳалари билимларни кундалик ҳаётда учрайдиган масалалар ечимида қўллай билишга, жамиятда соҳага оид муаммоларни таҳлил қилиш ва мунтазам кузатишга ўргатишда самарали ҳисобланади.

Изланишлар натижасида маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари, тамойиллари, бажариш алгоритми, мавзуларни танлаш, муаммони қўя билиш, лойиҳа мақсадини SMART қоидасига асосан шакллантириш, ўқув лойиҳалари учун тахминий ғоялар шакллантирилди.

Ўқув лойиҳалари орқали талабалар қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлади: 1. Таҳлилий кўникмалар (маълумотларни ахборотлардан ажрата олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш, бунинг учун шахс аниқ, мантиқий фикрлай олиши керак). 2. Амалий кўникмалар (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллай билиш). 3. Ижодий кўникмалар (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув

асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилиш талаб этилади). 4. Мулоқот кўникмалари (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур). 5. Ижтимоий кўникмалар (қарорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсда ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим). 6. Ўз-ўзини таҳлил (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим).

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, босқичлари, талабалар томонидан амалга оширилган методик ишлар ўрганилиб, тавсифланган ва математик-статистик таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йиллар давомида Қўқон давлат педагогика институти, Наманган ва Андижон давлат университетларида ўтказилиб, танлаб олинган объектларда жами 690 нафар талабалар иштирок этди. Тажриба-синов ишлари қуйидаги 3 босқичда амалга оширилди:

1. Асословчи босқич. Асословчи тажриба босқичининг мақсади – педагогик олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантиришнинг мазмуни, тамойиллари ва вазифаларини ўрганиш. Мазкур босқичда “маънавият”, “маърифат”, “фаолият” ва “аксиологик муносабатлар” атамалари тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинди ва маънавий-маърифий фаолиятнинг барча жиҳатлари асослаб ўтилди. Тадқиқот объектларида маънавий-маърифий фаолиятнинг таҳлили расмий ҳисоботлар асосида таҳлил қилиб ўтилди ва қиёсий таҳлил шакллантирилди. Мазкур таҳлиллар жадвал кўринишига келтирилди.

2. Шакллантирувчи босқич. Шакллантирувчи тажриба босқичининг мақсади – бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш, маънавий-маърифий фаолиятга доир ўқув лойиҳалари, маънавий-маърифий фаолиятга доир амалиётлар ва олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши маънавий-маърифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришга хизмат қилишини тадқиқ этиш. Мазкур босқичда талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда ижтимоий-гуманитар фанлар орқали кадриятларни етказишнинг халқаро тажрибалари таҳлил қилинди ва фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш амалий характерга эга эканлигига эътибор қаратилди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда маънавий-маърифий фаолиятга

